

## Юртимиз меҳмонлари



19:51 / 01 май 1336

2024 йил 30 апрель куни юртимизга яманлик машҳур олим, дин арбоби, **шайх Ҳабиб Умар ибн Ҳофиз** ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ азиз меҳмонлар ташриф буюришди.

Меҳмонлар ташрифни юртимизнинг муборак қадамжоларидан бири – «**Ҳазрати Имом**» мажмуасини зиёрат қилишдан бошлаб, машҳур аллома, фақиҳ, муҳаддис **Абу Бакр Қафқол аш-Шоший мақбарасини** зиёрат қилдилар, «**Мўйи Муборак**»да қўним топган «**Усмон Муҳафи**» билан яқиндан танишдилар, турли нодир қўлёзмалар, бир неча араб хатларида битилган манбаларни кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг меҳмонларимиз Кўкча даҳасидаги «Шайх Зайниддин» қабристонига келиб, фазилатли **шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф** роҳимахуллоҳнинг қабрларини зиёрат қилдилар, Аллоҳ таолодан набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилишини сўраб, у кишининг ҳақларига дуолар қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонларимиз фазилатли **шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ** асос солган «**Hilol-Nashr**» матбаа-нашриётининг босмахонасига ташриф буюришди. Меҳмонларни нашриёт раҳбари **Исмоилжон Муҳаммад Содик** кутиб олдилар.

Меҳмонлар босмахонада китоб чоп этиш жараёнини кузатдилар, сўнг «**Hilol Nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига келиб, у ердаги

китобларни, жумладан, **шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг илмий мерослари ҳамда адабий-бадий асарлар билан яқиндан танишдилар. Исмоилжон домла меҳмонларга фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақида маълумот бериб ўтдилар.

**Шундан кейин меҳмонларимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги масжидда аср намози ўқидилар.**





Намоздан кейин **шайх Ҳабиб Умар ибн Ҳофиз ҳазратлари** юртимизга тинч-осойишта, фаровон ҳаёт тилаб, юртбошимиз олиб бораётган хайрли

ишларга ривож сўраб, дуолар қилдилар.





***Меҳмонларимизнинг юртимиз бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.***